Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 2 апрель, шанба № 69 (21.673). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни Америка Қўшма Штатлари сенатининг Халқаро алоқалар комитети раиси, сенатор Клейборн Пеллни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга мамлакатимизда янгиланиш жараёнининг бориши, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўзлаб берди. Президент Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муайян бир изга тушаётганини алоҳида қайд этди.

Сенатор Клейборн Пелл самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Президентнинг Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги фикрларини бағоят қизиқиш ва мамнуният билан тинглаганини айтиб, сафардан асосий мақсади ҳам республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ва мулкни хусусийлаштириш жараёни билан яқиндан танишиш эканини эътироф этди.

Меҳмон Ўзбекистонга сафарининг кўнгилли ўтаётганини таъкидлади.

* * *

Шу куни сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, парламентлараро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Жаноб Клейборн Пелл Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг бизнес ва маданият марказини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, парламент қўмиталарининг раислари иштирок этди.

* * *

Сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов билан ҳам учрашди.

Учрашувларда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди. **(ЎзА).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ КАРИМОВГА

Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим!
Муҳтарам Президент!

Бизнинг дин аҳллари мустақиллик муқаддас юртимизнинг ҳар бир фуқаросига, у қайси ирқ, миллат ва тоифага мансублигидан қатъий назар, чинакам эрк берганини, барча табақадаги ватандошларимиз орзу қилган саодатли кунларга эришганимизни рўй-рост кўриб, билиб турибмиз. Мустақиллик шарофатидан жонажон Ўзбекистонимизда равнақ ва рўшнолик дарвозалари кенг очилаётганига ҳам гувоҳмиз. Юртимиздаги иноқлик, ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик вазияти барча орзуниятларимизнинг ижобатидир.

Илгариги тузумга қиёслаб, биз, диндорларга ҳам ўз имон-эътиқодимизга риоя этишимиз, дини Ислом анъаналари ва ақидаларига содиқ қолишимиз учун кенг имкониятлар очилганини равшан кўрмоқдамиз. Буларнинг бари юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва равнақини кўзлаб ўтказаётган сиёсатингиз, сайъ-ҳаракат ва йўл-йўриқларингиз туфайлидир. Шу каби мўътабар ва олижаноб ишда, биз, дин аҳли ҳамиша эл-юрт билан биргамиз. Озод Ватаннинг ҳар бир соф ниятли фуқароси бугун ўз халқи ёнида бўлмоғи, эзгу ишларига қайишмоғи, бахтли келажагини таъминлашга баҳоли қудрат улуш қўшмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, Ватанни севмоқ, улуғламоқ, ардоқламоқ каби фазилатларнинг фарзлиги муқаддас Ҳадиси Шарифда ҳам алоҳида зикр этилган. Ҳал қимиз эса «Бировларга яхшилик қилишни уддалай олмасанг, лоақал ёмонликдан тийилгил» дея ўгит беради.

Минг афсус, орамизда ош берган элига тош отаётган, тузлиғига тупураётган нонкўрлар ҳам бор. Орзу-умидларимиз рўёбга чиқаётган, ҳурматли юртбошимиз ва бошқа раҳбарларимиз халқнинг ҳоҳиш-иродасига мос иш тутаётган бир вазиятда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч онримизни заҳарламаслиги, ҳалол ошимизга оғу солмаслиги, танлаган йўлимиздан тойдирмаслиги даркор.

Иймонингиз комил бўлсинки, биз кимга қўл бериш лозимлигини яхши биламиз. Омма эл иши учун қайишганларгагина қайишади ва қўл беради. Ўзини ҳар ишга қобилу қодир ҳисобловчи айрим шоир-доҳийлар эса «қадрдон» элига ақалли бир туп қўчат экиб берган ёки йўлдаги нокерак тошни четга олиб қўйганмикан? Йўқ. Бундай «қора» иш уларнинг қўлидан келмайди. Буни биз аллақачон фаҳмлаб етганмиз.

«Эрк» доҳийларидан бири Хоразмда туғилган, аммо фарзандлик бахтидан бенасиб қолган. Тўғри, бир-икки йил муқаддам унинг соҳта ваъдаларига лаққа тушган лар ҳам топилди. Комил ишонч билан айтамизки, бугун уларнинг қўпчилиги, ҳатто яқин сафдошлари ҳам эсини йиғиб олган, ҳақиқий ниятини англаб, «доҳий»дан юз ўгирган. Бузғунчининг кирдикорларини ким ҳам «маъқул» деярди.

Сохта ватанпарварларнинг юзидаги ниқоб-ку йиртилди, бироқ сарҳадларимиз ташқарисидан ифво ва бўҳтондан иборат ёлғон-яшиқ айюханнос «овоз»лари эшитилиб турибди. Эндиги вазифамиз, Ватанимизга фарзандлик бурчимиз — барча ифво-маломатлар йўлини собит туриб бекитмоқдан, бузғунчиликка чўзилган қўлларни қайириб ташламоқдан иборат.

Хоразм вилояти дин жамоатчилиги вакиллари:

Урганч шаҳридаги Охунбобо жоме масжиди имоми **Муҳаммадсаид ҳожи Аҳмаджон Раҳматилло ўғли**

Боғот туманидаги Одика Эшон бобо жоме масжиди имоми **Юсуф Оллашукуров**

Боғот туманидаги Дарвеш бобо жоме масжиди имоми **Комил Жуманиёзов**

Гурлан туманидаги Усмон Саид жоме масжиди имоми **Исоқжон ҳожи Халилла ўғли**

Қўшкўпир туманидаги ҳазрати Эшон бобо жоме масжиди имоми **Шомурот Султонов**

Урганч туманидаги Шохобиддин Хўжа жоме масжиди имоми **Рўзим Абдураҳмонов**

Хазорасп туманидаги Шохпир жоме масжиди имоми **Бурди Хўжаниёзов**

Хонқа туманидаги Сайид Ота жоме масжиди имоми **Шайхмуҳаммад Оллаёров**

Хива шаҳридаги Саидниёз Шоликор жоме масжиди имоми **Раҳматилло Раҳматуллаев**

Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний жоме масжиди мутаваллиси **Қодирберган Роззоқов**

Шовот туманидаги Замахшарий жоме масжиди имоми **Йўлдош Роззоқов**

Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор Вали жоме масжиди имоми **Камаржон Абдримов**

Янгиариқ туманидаги Ғойиб Ота жоме масжиди имоми **Абдулла Юсупов**

Янгибозор туманидаги Жума масжиди имоми **Рўзимбой Матюсупов**

НАВБАТДАГИ ВАЗИФА— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида «Инновация—94» янги техника ва илғор технология кўргазмаси ташкил этилган эди.

1 апрель куни бу ерда кўргазма якунлари муҳокама қилинди. Республика халқ хўжалиги учун нисбатан муҳим ва фойдали ишланмаларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари кўриб чиқилди.

Муҳокамада республика вазирликлари, маҳкамалари, корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Тўпланганлар олдида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

Муҳокамада Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

(ЎзА).

Э Ъ Л О Н

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати бошқармаси шуни маълум қиладики, республикамиз ҳудудида қор ва ёмғирнинг меъёридан кўп ёғиши натижасида баъзи бир жойларда, тупроқ, тош, қор кўчиши, сел келиши хавфи туғилиши муносабати билан тоғ ёнбағирларидаги дала ҳовлилари ва дам олиш масканларига бориш йўллари вақтинча тўсиб қўйилади.

Маълум муддат фуқароларнинг ана шу хатарли ҳисобланган жойларга чиқиши тавсия этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Омихта ем ва энергия манбалари нархларининг ўсиши муносабати билан ҳамда чорва моллари ва сут сотиш бўйича давлат буюртмасини бажаришдан жамоа ва давлат хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил 1 апрелдан бошлаб чорва моллари ва сутнинг чекланган харид нархлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорва моллари ва сутнинг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсин ва манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги 577-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 31 март.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Бир тоннаси учун минг сўм-купонларда
(ўртача)

	тирик вазнда	сўйилган вазнда
Қорамол, от ва туялар	2400	5000
Чўчқалар	3000	5000
Қўй ва эчкилар	2000	5000
Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлган сут	500	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «РЕСПУБЛИКАДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 1994 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ 774-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛДА РЎЕБГА ЧИҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бўш ва самарасиз фойдаланилаётган ер майдонлари ҳисобига якка тартибда ва кооператив асосида уй-жой қурилиши ер фондини шакллантиришни назарда тутган ҳолда аҳоли яшайдиган жойларда, шунингдек, йирик шаҳарларга туташиб кетган ҳудудларда ер майдонларини қайта рўйхатдан ўтказсинлар. Ушбу масала юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига 1994 йил 1 июнгача киритсинлар. Бош вазирнинг ўринбосари К. Н. Тўлаганов бу таклифларни умумлаштирсин ва республика ҳукуматининг кўриб чиқиши учун тақдим этсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда якка тартибдаги уй-жой қурилиши даҳаларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда аҳоли яшайдиган жойларнинг бош режаларига, муҳандислик инфраструктураси схемаларига тузатиш киритсинлар;

якка тартибдаги қурилиш устидан архитектура-қурилиш назоратини таъминлаш архитектура ва шаҳарсозлик ҳудудий бошқармаларига юклатилсин;

давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан ҳамда уй-жой қурилиши учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги учун тўловдан тушадиган маблағларнинг камида 50 фоизини аҳолининг ижтимоий таъминланмаган қатламлари учун уй-жой қуришни ва якка тартибдаги ҳамда кооператив уй-жой қурилиши даҳалари муҳандислик коммуникацияларини маблағ билан таъминлаш бўйича махсус счётга ўтказсинлар. Маблағ билан таъминловчи банклар қайд этиб ўтилган мақсадлар учун махсус счётлар очсинлар ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат ўрнатсинлар;

пайдо бўладиган масалаларни тезда ҳал этиш мақсадида якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилишининг қандай бораётганлигини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсинлар ҳамда уларни ҳал этишда тўрачилик ва сансалорлик ҳолларига йўл қўяётган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини кўрсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳокимликлар, маблағ билан таъминловчи банклар билан биргаликда 15 кун муддатда, якка тартибдаги уй-жой қурилишининг бошланиши билан боғлиқ ташкилий масалаларнинг бутун мажмуини ҳал этиш бир ой муддатда таъминланиши кераклигини эътиборда тутган ҳолда, якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш, ер ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни, банк кредитлари олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тайёрласин ва тасдиқласин.

3. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили марказлаштирилган сармоя маблағлари ва республика бюджети истиқболларини белгилашда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, пенсионерларни, уруш ва меҳнат фахрийларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш учун уй-жой қурилишига лимитлар ва маблағларни назарда тутсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси тақсимотини ҳисобга олган ҳолда 1994 йилда ана шу мақсадлар учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 90 миллиард «сўм-купон» ажратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳокимликларнинг буюртманомалари бўйича:

1994 йилда хусусий уй-жой қуриш бўйича энг яхши лойиҳалар, каталоглар асосида табиий-иқлим шароитлари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқилишини;

кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини уйнинг умумий майдонининг 10 фоизигача бўлган ҳажмда жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда намунавий лойиҳаларга тузатиш киритишни ёки янгиларини ишлаб чиқишни таъминласин.

5. Марказий банк, «Ўздеҳқончиликсаноатб а н к», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзжамғармабанк», «Ўзтадбиркорбанк»ка бир ой муддатда якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини амалга ошираётган фуқароларга кредит беришнинг амалдаги қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 5 мартдаги Фармонига мувофиқлаштириш тавсия қилинсин.

6. «Ўзжамғармабанк» Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа банклари билан биргаликда бир ой муддатда махсус ссудажамғарма счётларини жорий этиш тартибини ишлаб чиқсин.

7. Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахсларга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, меҳнат фаоллигини ошириш ва кадрларнинг муқим ишлашини таъминлашнинг самарали чора-тадбири сифатида якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилишини амалга ошираётган ходимларга пай бадалларини тўлашда ва кредитни қайтаришда ўз маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича улар билан шартнома-контрактлар тузиш тавсия қилинсин.

8. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 10 кун муддатда корхоналар ва ташкилотларнинг якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жой сотиб олиш учун ўз ходимларига, шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилаларга молиявий ёрдам кўрсатишга йўналтирилаётган даромадларига солиқ имтиёзлари бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва солиқ тўловчиларга етказсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳар йили жамоат ишларини ташкил этиш, уй-жой қурилиши ва уларни тузатиш, шунингдек, инфраструктура қурилиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ёки мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари тасарруфида қолдириладиган иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг кўпи билан 5 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус счётига ўтказсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаган қатламлари мақомини аниқлаш тартиби тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин, унда республикада ишлаб чиқариладиган ва якка тартибда уй-жой қурувчиларга ҳамда уй-жой-қурилиш кооперативларига сотиладиган бинокорлик материалларини, шунингдек, уй-жой қурилишида амалга ошириладиган қурилиш ва махсус монтаж ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилишни назарда тутсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлимларига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 31 март.

• ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

ИСЛОҲОТ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотларни амалга оширишга партиямизнинг қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш, сафларимизни кенгайтириш ва аҳоли билан алоқаларимизни кучайтириш, сафдошларимизнинг ташаббускорлигини ошириш каби кўплаб долзарб масалалар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расуловнинг куни кеча Тошкент вилояти қатор туманлари партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг фаоллари билан учрашувларида асосий ўрин эгаллади.

Биринчи котиб жамоа хўжаликлари ва саноат корхоналари бошланғич ҳамда ҳудудий партия ташкилотларида бўлганида иқтисодий ислоҳотларнинг янги, масъулиятли босқичи талаблари асосида мулкни хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар, йирик завод ва фабрикаларнинг шахобчаларини очиш ҳисобига қўшимча иш жойларини вужудга келтириш, истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида қилинаётган ишларда ХДП аъзоларининг амалий ишлари билан танишди.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигида ун ва шолини оқлаш тегирмонлари, нонвойхона, ёғ, колбаса, пишлоқ, консерва ишлаб чиқариш, тўқувчилик ва тикувчилик цехлари очилган, қурилиш ашёлари тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу тумандаги «Ўзбекистон беш йиллиги» номли жамоа хўжалигида гўшт ва сутни қайта ишловчи, колбаса ва пишлоқ тайёрловчи ҳамда аёллар ва болалар устки кийимларини тикувчи цехлар ишлаб турибди.

Туманда маҳаллий хом ашёдан гилам, атлас, пайпоқ, кийим-кечак ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Ушбу хайрли ишларда ХДП аъзолари бош-қош бўлиб, фаоллик кўрсатмоқдалар.

М. Расулов Оққўрғон туманидаги «Мафтуна» ҳиссадорлик жамияти, «Гулистон» жамоа хўжалиги бошланғич ва Олимкент ҳудудий партия ташкилотларида ҳам бўлди. Афсуски, мазкур туманда иқтисодий ислоҳотларнинг суст бораётганлиги, амалий ишларга қараганда мавҳум режалар кўплиги кўзга ташланди. Ачинарлиси шуки, туман партия кенгаши, бошланғич ташкилотларимиз ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ташаббус кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон ХДП бошланғич ва ҳудудий ташкилотлари котиблари билан М. Отажонов номидаги давлат хўжалигида бўлган учрашувда биринчи котиб юртбошимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат моҳиятини тушунтириб берди. Жорий йил бошида қабул қилинган Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда давлатимиз раҳбарларининг Бухоро вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқига алоҳида тўхталиб, партиямиз аъзоларининг уларни ҳаётга тадбиқ этишдаги вазифаларга диққатни қаратди. Ў Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IX пленуми қарорларини, хусусан, унда қабул қилинган партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишни кучайтириш лозимлигини таъкидлади, республика Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик кўриш борасида маслаҳатлар берди.

Учрашувда Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

• *Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?*

«ЭЪТИҚОД ДУМАЛОҚ БЎЛМАЙДИ»

Илгари хабар берганимиздек, Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашида биринчи ва иккинчи котиблар янгиланган эди. У лавозимларга ташкилий ишларда чиниққан ёш кадрлар сайланди. Хўш, янги котиблар партиявий тактиканинг қайси йўлини танлашди ва ишни нимадан бошладилар? Мен шу савол билан кенгашнинг биринчи котиби Йўлдош Суюновга мурожаат қилдим.

— Яшириб ўтирмайман. Мен жуда кўплаб кишилар билан партия кенгаши фаолияти ҳақида суҳбатлашдим. Оддий фуқаронинг ҳам, раҳбар ходимларнинг ҳам партияга муносабатларини ўргандим. Қолаверса, ўзим шу жараённинг ичида юрибман. Шу боис кейинги беш-олти ой ичида айрим туман, шаҳар, ҳатто вилоят партия кенгашида ҳам интизомнинг сусайиб кетганлиги сир эмас. Баъзи сафдошларимиз ишга шунчаки келиб-кетишган, ҳокимиятдан «мурувват» кутиб ўтиравершган. Натижада бирорта дурустроқ партиявий тадбир ўтказилмаган.

— Биз партия кенгашлари ҳақида бу қадар кескин гапирмай қўйгандик. Шу сабабли мулоҳазаларингиз?..

— Тўғри, оёққа туриш пайтида айрим камчиликлардан кўз юмдик. Бироқ шукурким, партия ўтиш даврини ортда қолдирди. Биз халққа партиямиз тўғри, одилона йўлдан бораётганини, унинг мақсади эса республика раҳбарияти сиёсати билан муштарак эканлигини кўрсата олдик.

Энди ана шу обрўни мустаҳкамлаш зарур. Иллатлардан кўз юмиш, уларни хаспўшлаш дунёдаги бирорта партияга ҳам наф келтирган эмас. Қусурларни ўз вақтида англаш, кузатиш муваффақиятнинг ярми деган гап. Акс ҳолда ундан бошқа партиялар ўз мақсадларида фойдаланадилар. Лўнда қилиб айтганда, партия сиёсати учун ошкоралик ўз-ўзини танқид ва юксак интизом сув билан ҳаводек зарур.

— Аимо танқид асал эмас?..

— Бироқ у келгусида яхши мева беради. Тўғри айтасиз, айрим ходимлар шу қадар лоқайд бўлиб қолишган эканки, оддий юмушларни ҳам уддалай олишмаяпти. Танқидни эса ёқтиришмайди. Бироқ ҳар қандай ҳолатда биз қатъиятликдан воз кечмаймиз. Яқинда бюро мажлисида статистик маълумотларни йиғиш ҳамда Марказий Кенгашга жўнатиш масаласини кўриб чиқдик. Очиғи, бу ишдаги тартибсизликдан ҳайрон бўлдим. Маълумотномалар ўта масъулиятсизлик билан тузилган, рақамлар ҳақиқатдагига тўғри келмайди, ўчириб чизилган. Ахир ҳужжат унга имзо чеккан раҳбарнинг савиясини, маданиятини, фаросатини белгилайди. Шу боис биз бу ишда совуққонликка йўл қўйган бир қатор котиблар ҳамда вилоят кенгашининг шу масала билан шуғулланувчи ходимига қатъий чора кўрдик. Умуман, кўзбўямачиликка йўл қўйган раҳбарларни кечирмаслик керак.

Иккинчи котиб Б. Бўронов билан гуруҳлар тузиб, туманларни айланиб чиқдик. Дастлабки таассуротлардан кўнгил тўлмади. Масалан, Нурободда биринчи ва иккинчи котиб муросага келолмай овора. Ваҳолонки, туман ҳокими, партиямиз аъзоси Т. Қиличев ХДП кенгашига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб турибди.

Оқдарё туманида ҳам шундай аҳволга дуч келдик. Собиқ биринчи котиб сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган. Иккинчи котиб эса томошабин бўлиб тураверган. Натижада аъзолик бадалларини жамғариш аро йўлда қолиб кетган. Партия сафлари ўсиш ўрнига камайган. Кенгаш биноси ойлаб қаровсиз қолган. Хоналар бўш ётганлигидан бу ерга тумани судини кўчириб киритишган. Мана сизга, масъулиятсизлик оқибати.

Пастдарғомдай таянч ташкилотимизда ўтган йили 160 киши партия сафидан чиқиб кетган. Тўғри, уларнинг кўпчилиги бошланғич ташкилотлар қарорига кўра партия билан алоқани узиб қўйганлиги учун сафдан чиқарилган. Аммо партия сафига қабул ҳам унча ўсмаган. Демак, туман кенгаши ташкилий ишлар билан жиддий шуғулланмаган.

— Масъулиятсизлик ўз вақтида баҳосини олмаса у газак олади?..

— Албатта. Назаримда, бизнинг партияга фақат лавозим, мансаб пайида аъзо бўлган айрим ўртоқларга қуйидаги ақидани тушунтириб қўйиш керакка ўхшайди: эътиқод думалоқ бўлмайди. Уни бугун чап чўнтакка, эртага эса ўнг чўнтакка солиш мумкин эмас. Эътиқод мазмун-моҳиятига кўра, иймонга яқин туради. Шундай экан, уни ҳар қандай шум ниятларга аралаштирмаслик керак!

Биз расмий жиҳатдан сафимизда туриб, амалда эса сиёсатимизни қўллаб-қувватламаётган ёки ишимизга четдан томошабин бўлиб турган партия аъзолари билан ишлай олмаймиз.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Партия сафида самарали меҳнат қилган, ҳаётий тажрибага эга бўлган ходимларимизни бошқарув ва хўжалик ишларига ўтказишда ҳокимликлар билан маслаҳатлашиш ҳам зарур.

— Йўлдош Суюнович, шу ўринда ҳокимят билан муносабатингиз ҳақида гапириб ўтсангиз?

— Масаланинг бу жиҳатидан кўнглим тўқ. Негаки, вилоятимиз ҳокими ҳар бир йиғилишда бизнинг фикримиз билан қизиқади, партия кенгашини қўллаб-қувватлаб туради. Туман, шаҳар ҳокимларидан ҳам шуни талаб қилади. Вилоят ҳокимлиги билан бир бинодамиз, навбатчилик ҳам битта. Кадрлар танлашда ҳоким кенгашимизга юксак ишонч билдирди. Аниқроғи, кадрларнинг суҳбатдан ўтиш варақасида менинг исми-шарифим ҳам пайдо бўлди.

Эндиги вазифа ана шу ишончга яраша вилоят ҳаётида фаол қатнашишдан иборат. Партия ташкилотларини ана шу мақсадга йўналтиряпмиз.

— Аниқроғи?..

— Аниқроғими, умуман, сиёсий партиялар ҳамиша у ёки бу ислоҳотнинг, тадбирнинг ижросини ғоявий жиҳатдан тўлдиришган. Биз ҳам шундай йўл тутамиз. Зиммамизда иккита улкан вазифа турибди.

Биринчиси, республика Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик. Шу муносабат билан сайловлар ҳақидаги қонун тарғиботи. Иккинчиси, партиямиз томонидан ишлаб чиқилган Миллий истиқлол мафкураси дастурини амалга ошириш. Бу масалалар юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланган. Бундан ташқари, шаҳар ва туман кенгашлари ҳам маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда ўз режаларини тузган. Вилоятда тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳокимиятга вақти-вақти билан таклифлар киритиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Бу ишларни бажаришда партия кенгашлари ходимларидан юксак интизом, фидоийлик талаб этилади. Шукурким, сафимизда шундай кишилар бор...

Суҳбатдош Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҳаётидан

«МУЛОҚОТ» ИШ БОШЛАДИ

Ҳозирги кўппартиявийлик даврида ҳар бир ХДП аъзосининг сиёсий савиясини ошириш муҳим омиллардан биридир. Шуни назарда тутиб Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши ҳузурида «Мулоқот» ижтимоий-сиёсий клуби очилди. Унда шаҳар ва туман кенгашлари котиблари ва ходимларининг сиёсий ўқуви ташкил этиляпти.

«Мулоқот» клубининг биринчи ўқуви «Ўзбекистон ХДПнинг бугунги кундаги долзарб масалалари» мавзуида бўлиб ўтган эди. Куни-кеча клубнинг иккинчи ўқувига йиғилганлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ҳақида фикр алмашдилар. Бу ҳақда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг муовини И. Омонбоев гапириб, ушбу қонунининг аввалгисидан фарқига ва ундаги ўзгаришларга қисқача изоҳ берди.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши биринчи котиби Расул Мухторов эса бугунги кўппартиявийлик шароитида ХДП ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталди. Бу борада ҳар бир сайлов мавзида ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, сайлов участкаларида эса ташвиқот гуруҳлари тузиш кераклигини таъкидлаш билан бирга сайловга тайёргарликни жойларда яхши ташкил этиш ва партия ғояларини кенг тарғиб қилиб, сафдошлардан Олий Мажлисга депутатларни кўпроқ сайланишига эришиш зарурлигини айтди.

Сиёсий ўқувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими Улуғбек Ҳайитов иштирок этиб, Марказий Кенгашнинг тўққизинчи пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида республика партия ташкилотининг вилоятларда олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳақида гапирди.

Шуҳрат МУСАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗАРО АМАЛИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти кенгаши Шўрчи тумани партия кенгашида семинар ўтказди. Вилоят кенгашининг масъул ходимлари И. Қурбонов, Ё. Тошмуродов, А. Аҳатовлар партия ҳаётига тааллуқли муҳим мавзуларда маъруза қилдилар.

Семинарда ҳозир бўлган бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда партия фаоллари ўз фаолиятларини бугунги кунниг вазифалари билан боғлаш юзасидан фойдали кўрсатмалар олдилар. Семинарда вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Ш. Юнусов нутқ сўзлади.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШЧИ ГУРУҲИ ҲАРАКАТДА

Хоразм вилоятида мингдан ортиқ ХДП бошланғич ташкилотлари бўлиб, уларда йигирма етти мингдан зиёд партия аъзоси бор. Бугунги кунда ХДП аъзоси бўлмаган бирон-бир меҳнат жамоасини топиш қийин. Партиянинг дастурий кўрсатмалари жойларда бевосита худди шу бошланғич ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда.

Шундай экан, бугунги кунда уларнинг халқ орасидаги ташкилотчилик ҳамда тарбиявий ўрни қай тарзда бўляпти ва қай йўналишда боряпти? Партия сафларини ташаббускор, ҳалол янги аъзолар ҳисобига тўлдиришда, бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқани йўлга қўйишда қандай ибратли тажрибалар тўпланган?

Айни кунларда худди ана шу масалаларни ўрганиш ва жойларда тўпланган илғор тажрибаларни ёйиш мақсадида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши котиблари, кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, масъул ходимлардан тузилган ишчи гуруҳи белгиланган кун тартиби асосида шаҳар ва туманлар кенгашлари ишлари билан яқиндан танишмоқдалар, зарур бўлган тақдирда уларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Улар кун давомида бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, партия аъзолари билан, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжаликлари ходимлари билан учрашадилар, партия ташкилотлари иш режаларини таҳлил этадилар, партия йиғилишларини ўтказиш, уларнинг ўз ва юқори партия ташкилотлари қарорлари ижросини назорат қилиш тажрибалари билан танишадилар. Ўтказилаётган ташкилий, мафкуравий ишларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, жамоалардаги маънавий руҳий иқлимга қай даражада таъсир қилаётганлигини ўрганадилар.

Шу куннинг ўзида туман кенгашида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, унга барча бошланғич ташкилотлари котиблари, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф қилинади. Одат бўйича бунда ҳоким муовини ёки ҳокимият вакили ҳам иштирок этади.

Кенгайтирилган анжуманда жойларда бўлган ишчи гуруҳи аъзолари ўзи кўриб, танишган ташкилотдаги аҳвол тўғрисида батафсил ахборот беради, ибрат бўларли ижобий тажрибалар, янги бошламалар бўлса, бу ҳақда тўхталиб, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўл-йўриклари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Сўнгра ХДП вилоят кенгаши йиғилишга якун ясайди, туман партия ташкилоти олдига аниқ ва долзарб вазифаларни қўяди. Шунингдек, у йиғилиш қатнашчиларига вилоят кенгашининг қилаётган ишлари тўғрисида ахборот бериб, уларни кенгашнинг жорий йилдаги режалари билан таништиради.

Партиявий ишларнинг бундай ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу — одамлар билан яқиндан муносабат ўрнатишга, уларнинг истаклари, дарди, муаммоларини яхшироқ билиб олишга имкон туғдиради. Партия ташкилотларининг тўплаган ижобий тажрибасини умумлаштириб олиб, уни кенг ёйишга ёрдам беради.

Яқинда гуруҳ аъзолари вилоятнинг барча туманларида бўлишди. Дастлабки умумлашмалар, кузатишлар жараёнида шу нарса аниқландики, Боғот тумани бошланғич партия ташкилотлари кўпроқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларига жиддий эътибор беришмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларига қулай турмуш шароитлари яратиб бериш, уларга ғамхўрлик қилиш ишларида кўпроқ бошқош бўлишмоқда. Янгиариқ тумани бошланғич ташкилотлари эса Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Йигит-қизларни тарбиялаш ишларида фаол иштирок этишяпти. Айни чоғда аҳоли истиқомат қиладиган жойлардаги ишларни муттасил таҳлил қилишмоқда.

Хива тумани бошланғич ташкилотлари эса асосан, эътиборни иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда фаоллик кўрсатишга, тадбиркорликни, ҳунармандчилик косибчиликни, савдо ишларини ривожлантиришга қаратса, Қўшкўпир тумани ташкилотлари хўжалик, идора раҳбарияти билан яқиндан амалий алоқалар боғлашга эришиб олганлар, амалга оширилаётган тадбирларнинг мукаммал ташкил қилинишига ёрдам кўрсатадилар. Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишга ва уни омма онгига сингдиришга фаол киришганлар, кўргазмали ташвиқотнинг самарадорлиги, жанговарлиги, таъсирчанлигини ошириш чораларини кўрмоқдалар.

Шундай қилиб, ХДП вилоят кенгаши бошлаган мазкур иш шакли бошланғич ташкилотларнинг бирдан-бир иши бўлган — партия таркибининг сон ва сифат кўринишларидан тортиб, улар сафининг ўсиши, аъзолик бадаллари-ю иш юритишигача бўлган кўпгина масалалар мажмуини қамраб олишга имконият яратиб беряпти. Натижада вилоят ва туман партия кенгашлари ишларидаги камчилик ва нуқсонлар кўзга равшан ташлана борадики, бугунги кунда партия ташкилотларига ўз фаолиятини тош-тарозуга қўйиб, аниқлаб олиб, уни тўғри йўналтиришда ёрдам беради.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АЁЛ, БИЛ, ЛУТФУ ҲИКМАТГА САЗОВОР,
ГУДАКДЕК МЕҲРУ ШАФҚАТГА САЗОВОР.

Носир ХИСРАВ.

Одам боласи эсини танигандан буён оппоқ тилакларни худодан сўрайди, унга нитилади. Балки бу оқ орзулар гўдак қўксига она сути билан бирга кириб вужудига жо бўлгандир.

Саф тортган қишлоқ хонадонлари узра назар ташласангиз, бир қарашда барча уйлар бир хил кўринади. Аммо, ҳар бир хонадоннинг ўз ташвиши ва ўз қувончи борлигини юрагингиздан ҳис этиб турасиз. Айниқса, уй соҳибаларининг турфа хил юмушларини айтмайсизми! Сарлавҳада таътил сўзини ўқиб, жилмайиб қўйгандирсиз. Рост-а, кулгили гап-да. Ахир қишлоқ аёлларида таътил нима қилсин! Улар ҳам бошқа касб эгалари бўлмиш дугоналари янглиг бирор кун таътилга чиқишни, бундоқ аёлга ўхшаб юз-кўзига упа-элик суриб, кино ё театрга боришни орзу қилишмайди, деб ўйлайсизми! «Улуғ Октябрининг» шарофати туфайли қўлига кетмон ушлаган муслималаримиз, халоскорлари берган туҳфасидан — оғир жисмоний меҳнатдан қутулолмаяптилар.

ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ТАЪТИЛИ

Бугунги кунда гўзал ҳамда оқила аёлларимиз Ватанимизнинг эртасини барқарор этувчи, шуҳратини дунёга ёювчи соғлом авлодни ҳамда комил фарзандларни вояга етказиб тарбия этмоққа масъулдирлар. Аммо оналаримизнинг юрт олдидаги бундай шарафли бурчларини тўла-тўкис адо этмоқлари учун янада кўпроқ кўмак ҳамда мадад лозим бўлмоқда. Давлатимизнинг ғамхўр йўлбошчиси, адолатпарвар Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, барча вилоят ҳамда туманларда хотин-қизлар қўмиталари тузилди. Аммо афсусланарли жойи шундаки, ўз вақтида кўрсатилган бундай оқилона эътибор ҳамда марҳаматлар ҳам жойлардаги масъул ўринларни эгаллаб ўтирган айрим шахсларнинг эскича иш услуби лоқайдлик ҳамда бепарволиклари туфайли амалга ошириш кечиктириляпти. Вақт эса ўтиб бормоқда. Мен назарда тутаётганим — қишлоқда истиқомат қилиб, хўжаликда эртадан қора кечгача офтоб нурида чўйкаб, Ватан фаровонлиги йўлида тер тўкиб меҳнат қилаётган опа-сингилларимизнинг аввало кўнгилларини хотиржам этсак. Бунинг учун энг аввало болалар боғчаларини шунчаки номига эмас, ҳақиқий тарбия масканига айлантирсак. Кўзимизнинг нури, қалбимизнинг қўри бўлмиш нури-дийдаларимиз юрагида эл-юртга меҳр уйғотолсак, замонавий компьютерларда илк таълим беришни бошласакки, токи улар умрининг азиз лаҳзалари биз сингари «коммунизм афсоналари»ни тинглаш ила хайф кетмаса.

Истардикки, жойлардаги масъул шахслар аввалги расмий ташкилотларга ўхшаб хотин-қизларимизга оғиздагина ёрдам бермасдан, амалий ёрдам қўлини чўзишса. Уларнинг қувонч ҳамда ташвишларига шерик бўлишса, олға силжишимиз анча осон кечган бўлур эди. Ростини айтадиган бўлсак, ҳозир қишлоқ мактабларининг билимдон ва малакали ёш, сергайрат ўқитувчилари бошқа тадбиркорлик ишларига кетиб қолишмоқда. Сабаби маълум: ҳамон аввалгидек ўқитувчиларнинг мавқеи қуйи ўринларда қолиб кетаётгани, қўли калталиги.

Мактабларимизда эртамизни таъмин этувчи, юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига етказувчи ёш бўғинга билим ва малака бериш иши ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётган, ҳар хил ўй-хаёл фикрини банд этган аёл муаллимларимиз зиммасига тушмоқда.

Оналаримиз баъзи ўринларда замондан орқада қолишаётганини аскар ёшидаги ўғлонларни хизматга юбориш воқеалари билан далилламоқчиман. Мустабид совет тузумининг жабру жафоларини чеккан Чернобиль фожеаси, афғон урушида ўз жигаргўшасидан айрилиб, юрак олдириб қўйган аёлларимизнинг дарду ғамларини ҳис этмасдан иложимиз йўқ. Лекин ҳозирги кунларда мустақил ўлкамиз осойишталигини қўриқлайдиган ватанпарварлар сув билан ҳаводек зарурлигини идрок этмасликни ўз жигаргўшаларини ҳар хил баҳоналар ила армия сафларидан қолдиришга уринишларни нима деб изоҳлаш мумкин?

Республикамизнинг кўпгина илғор вилоятларида олға силжишлар кўзга ташланмоқда. Қишлоқлар ёппасига газлаштирилиб, аёлларнинг рўзғор юмушлари бир қадар камайган. Бунга мисол тариқасида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийси туманларидаги қатор кент ва қўрғонларни санаб ўтса бўлади. Бу жойларда ишга туширилган кичик корхона ва тўқув цехларида опа-сингилларимиз ўз момолари сингари тикишбичиш, тўқиш каби қадимий удумларни давом эттириб, турмуш аравасини тортишда эркакларга кўмаклашмоқдалар.

XXI аср бўсағасида ибтидоий усуллар билан олға силжиш амри маҳол. Фан ва техника камол топган мамлакатларнинг ишбилармонлари қўл қовуштириб турганлари йўқ. Улар инсон яхши яшаши ҳамда ишлаши учун лозим бўладиган барча қулайликларни яратишмоқда. Қани энди бизнинг жонкуяр олимларимиз ҳам жадаллик билан ишга киришиб, Ватан ишқида тер тўкиб меҳнат қилаётган қиз-жувонларимизга мослаб махсус коржомалар кашф этса! Албатта, бундай иш либослари ихчам, назокатли бўлиб, аёлларимизнинг чиройига-чирой қўшиб турса. Ёмғирли, қиш-қировли кунларда далада ишловчи опа-сингилларимизга лойиқ ўлчамдаги махсус, иссиқ, енгил оёқ кийимлари ихтиро этилиб колхозчи аёлларимизга тақдим этилса.

